

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
МСбЖ "Kafolat-lyuks" аудиторлик
ташкилоти
Андижон шаҳри, 1-кичик даха 26 А
уй 14 хонадон.



REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ANDIJAN REGION
THE AUDITING FIRM
"KAFOLAT-LUX"
Andijan City, 1-region,

“Шахрисабз вино-арок” АЖнинг 2017 йил учун тайёрланган молиявий
хисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Ишак йўли кўчаси 170 уй

ИНН- 200 672 734

ОКОНХ-18143

Ҳисоб рақами: 20210000200355093001 АТ “Гурунбанк” Шахрисабз бўлими
(МФО- 00989)

Телефон: (0-375) 521-16-25

Аудиторлик таъшилотини тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шаҳри, 1 кичик даха, Фуркат кўчаси 26а-уй 14 хонадон

ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Ҳисоб рақами 20208000203715469001, ДТ “Халқбанки” Анд вил. амалиёт бўлими
(МФО-00649)

Телефон: Аудитор: +99891-360-19-73,

Факс: 0-374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 феврал куни
457-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни
00315-сонли лицензия берилган

Таъшилот директори Турғунов Қобулжон Турсунович 2015 йил 28 февралда
берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Андижон-2018 й

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МChJ "Kafolat-Lyuxs" аудиторлик ташкилоти Андижон шаҳри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон.</p>		<p>REPUBLIC OF UZBEKISTAN ANDIJAN REGION THE AUDITING FIRM "KAFOLAT-LUX" Andijan City, 1-region,</p>
--	---	--

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МChJ шаклидаги "Kafolat-Lyuxs" аудиторлик ташкилоти аудитори К.Т.Тургунов (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 февралда берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан "Шахрисабз вино-арок" АЖнинг 1-шакл "Баланс", 2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот, 4-шакл "Пул оқимлари тўғрисида" ги ҳисобот, 5-шакл "Хусусий капитал тўғрисида" ги ҳисоботдан иборат 2017 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: "Шахрисабз вино-арок" АЖнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ 2017 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, "Шахрисабз вино-арок" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.


Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофиқ ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр: Бизнинг фикримиз бўйича, "Шахрисабз вино-арок" АЖнинг 2017 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича ушбу молиявий ҳолатини ва молиявий хужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний аке эътиради ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МChJ шаклидаги "Kafolat-Lyuxs"
аудиторлик ташкилоти
директори
Аудитор:



Берилган сана 2018 йил 5 март



У.Раҳмонова

К.Тургунов